




ТОНГ ЮЛАДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 89 (65965)
1996 йил, 30 ноябрь, шанба

Сотувда эркин
нархда

Қадри таҳририят. Шу ёзда мен ўзим гувоҳ бўлган бир воқеани сизга ёзиб юбораяпман. Балки бу бошқа тенгдошларимни ҳам эҳтиёткорликка ундар.

Нодира уйларининг томидан туршак олиб тушмоқчи бўлди. Нарвонни олиб келиб чиқишга эриниб ёмғир тушадиган тарнов орқали юқорига кутарилди. Томга чиқиб укаларига туршак ташлади. Сўнг у ёқ-бу ёқни томоша қилди. Орадан анчаги-

на вақт ўтгач, тарновга яқин келди ва ундан оси-

Одамлар
орасида

ЯХШИЯМ СИЗ БОР ЭКАНСИЗ

либ тушмоқчи бўлди. Бир қадам босди. Оёғини нимадир куйдиргандек бўлди. Узумнинг барги тегди шекилли назарида. Бирданига қалтирай бошлади. Шузаҳоти унинг миясига бир фикр урилди. «Электр токи урди. Ёрдамга чақириб керак!» Дадасини чақирмоқчи бўлди.

— Дад...

У сўзини тугатолмади.

Типи танглайига ёпишиб қолаверди. Оёғини тортмоқчи бўлди. Аммо кучи етмади. У ҳушдан кета бошлади. Кузлари юмилди...

Синглиси Нафосат пастдан туриб опасига қарадию, бирдан қичқириб юборди.

— Дад, опам!

Яхшиям ота уйда экан.

Отилиб чиқди. Ҳеч нарсага тушунмаса-да том-

га югурди.

Нодиранинг аҳволи

ёмон эди. Ранги оппоқ, лаблари кўкарган.

Қий-чувдан қўшнилар йиғилишди. Шоҳиста опа Нодирани заҳ ерга ётқизди. Яна бири унинг қўл-оёқларини ҳаракатга келтира бошлади. Яна бошқаси «жабрланувчи»нинг бир-бирига ёпишган тишларини темир қошиқ билан ажратиб, оғзидан ҳаво берди.

Нодира хириплаб нафас олди-ю, кузларини очди. Йиғилганлар енгил тин олишди.

«Анча ўзига келгандан сўнг биринчи айтган сўзлари қўшниларга шу бўлди: «Яхшиям сизлар бор экансиз!»

Мен ҳам Нодиранинг гапларига қўшипаман. Одамларнинг бўлгани яхши-да.

Шамсия
НАЖМИДДИНОВА,
Бухоро вилояти,
Ғиждувон туманидаги
С. Айний номли мактаб
ўқувчиси.

Кўчада

Уша кун Фарҳоднинг сира едидан чиқмайди. Пойтахтимизда Президентимиз кубоги учун мусобақалар давом этарди. Мактабдошлари Дилшод, Одил, Аълобеклар билан беллашувларни томоша қилишга боришди. Болаларда хорижий спортчиларнинг жон-жаҳллари билан яхши ўйин курсатишга интилишлари, қизгин олишувлар завқ уйғотди. «Қани энди мен ҳам бир кун келиб шундай халқаро мусобақаларда иштирок этсам...» чин дилдан орзу қилди Фарҳод. Лекин бунинг учун уста теннисчи бўлиш шарт-да. Нега энди бўлмас экан. Ҳозирданоқ бирорта тугарақда шугулланса кифоя. У ана шундай уйлар билан уйга қайтди.

Астойдил қилинган ният бир кун келиб амалга ошар экан. Маҳалладошларига таниш бўлган теннисчи Ашраф ака Солиев Навоий номли жамоа ҳужалигида теннис тугарағи очганмиш...

Бу қувончли янгиликни эшитган Тошкент туманидаги 16-мактабнинг 8 ёшдан 14 ёшгача бўлган, теннис спортига қизиққан ўқувчилари Ашраф ака тугарағига аъзо бўлишди. Тезда машғулотлар ҳам бошланиб кетди. Айни кунларда Олим Абдурахмонов, Шарофиддин Тулаганов, Шаҳобиддин Тулаганов, Бунёд Муҳаммаджонов сингари умидли спортчилар машғулотларда фаоллик курсатишарди.

Шарофиддин
ТУЛАГАНОВ,

Тошкент туманидаги 16-мактаб ўқувчиси.



ЖИЛИКНИНГ УЧУДА ТУРИБДИ...

Маҳаллада

дик. Зарур юмушлар бўлса, бажардик. Кимнинг ҳовлиси олди бетартиб, супуриш-сидиришга муҳтож бўлса огоҳлантирдик. Боқувчиси йўқ, ёлғиз яшайдиган қариялар ҳолидан ҳам хабар олдик. Ахир одамларга шодлик улашиш ҳам бир бахт-да.

Хосият ҚУВВАТОВА,
Бухоро вилояти,
Ғиждувон туманидаги
3-мактаб ўқувчиси.
«Ёш мухбирлар»
тўғараги аъзоси.

Мактабимизда узок йиллардан буён давом этиб келаётган яхши бир одат бор. Бу — одамларга шодлик келтириш, ёрдамга муҳтож инсонларга кўмак бериш, ҳовли, кўча, маҳалланинг озода, саранжом-саришта бўлишига эришиш.

Билим даргоҳимизни биздан аввал битириб кетган ака-опаларимиз сингари биз ҳам ишларимизни режа асосида амалга оширамиз. Бу ҳақда устозимиз Шоҳиста опа Қурбоновага ахборот бериб турамиз. Яқинда учта-учтадан бўлиб маҳалламиздаги ҳовлилар олди, ариқ-зовурлар атрофини кўздан кечириб чиқ-

Уйда

Укам Санжарни ойи-жоним жуда эрка қилиб юборганлар. Сираям иш буюрмайдилар. Оғзидан чиққанини муҳайе қиладилар. Мен бўлсам укамга ачинаман. Нега дейсизми? Ахир у уғил бола бўлса. Шундай кетаверса танбал бўлиб қолади-да. Ҳарбий хизматга борганда-чи? У ерда унинг овқатини тайёрлаб, чойини дамлаб берадиган ким бор? Бирга хизмат қилаётган йигитлар устидан роса кулишмайдими?

Шуларни уйлаб баъзан уйқум қочиб кетади. Укам «ёстикда усган бола» бўлиб ҳаётда кейинчалик қийналиб қолишини сира истамасдим.

Кунларнинг бирида уйла-ганларимнинг ҳаммасини

укамга айтиб тушунтирдим. У ҳам уйланиб қолди.

— Энди мени доим ишлатинг, — деди у тусатдан оймимга.

— Қандай қилиб, болам, — сурадилар оймим. — Айтган юмушимни кўнгилдагидек қилиб бажара олмасанг, сендан кейин узим қилишимга тўғри келса...

У билагонлик билан оймимга ургата бошлади.

— Мисол учун менга оғир-оғир ишларни буюринг-да, «яхши бажарсанг велосипед олиб бераман» дег.

Оймим кулиб менга қарадилар.

Нима гап айтишни ҳам билмай қолдим. Укам қувғина, шумгина бола ҳам экан-ку!

Муҳиддин РАСУЛОВ,
Қува туманидаги
39-мактаб ўқувчиси.

ДЎСТИМ СУХРОБ ФАЙЗ

Ким у, шоирми? — деб уйламанг. Синфдошим. Тошкент Давлат университети қошида очилган гимназиянинг 6-синфда бирга ўқиймиз. Аълочилиги, айниқса, кўп китоб ўқигани туфайли «Файз» деб атаيمان. Унинг яхши одатлари ҳақида гапирадиган бўлсам, ҳаваси келмаган тенгдошларим бўлмаса керак албатта. Уйда каттагина кутубхонаси бор. Яқин орада Чингиз Айтматовнинг «Сарвқомат дилбарим», «Юзма-юз», «Жамила», «Алвидо, Гулсари», «Биринчи муаллим», «Бутақуз», «Сомон йули», «Оқ кема», «Оқ ёмғир», «Рақиблар», «Байдам-

тол соҳилларида», «Асрга татигулик кун» китобларини, Салоҳиддин Тошкандийнинг «Темурнома», Худойберди Тухтабоевнинг «Ширин қовунлар мамлакати» асарларини ўқиб чиқди.

Синфдошлар орасида

— Менга Темур бобомизнинг адолатпарварлиги, меҳрибонлиги, ҳақиқатпарварлиги, мислсиз мардлик ва жасорат эгаси эканлиги жуда ёқади, — дейди Сухроб.

Икки оғиз билим маскани-

миз ҳақида: бу ерда пойтахтимизнинг турли мактабларида ўқиган тенгдошларим тест синовлари асосида қабул қилиб, ўқитилади. Она тили, инглиз тили, адабиёт, математика, тарих фанлари чуқур ўргатилади. Синфдошларим орасида битта ҳам улгурмовчи ёки қолоқ ўқувчи йўқ. Гимназияни муваффақиятли тугатганлар олийгоҳга имтиҳонсиз қабул қилинадилар.

Хуллас, мен Сухроб сингари дўстим борлигидан фахрланаман.

Саидрасул ҲАСАНОВ,
Тошкент Давлат университети қошидаги гимназия толиби.

Доно бобо ўғити

ҚАНОАТ

Қўлда бўлган нарсага рози бўлиб, очкўз бўлмасликка «қаноат» дейилади. Қаноат тугамайдиган ҳазинадир. Агар одам қаноатли бўлса ризқи ҳеч роҳатсиз бўлмайди. Очкўз, таъмагир одам эса умрини роҳатда кечира олмайди. Шунинг учун ҳар ким иш ва меҳнат орқасида топган ризқига қаноат қилиб, турмушини роҳатда ўтказиши, «яна кўпроқ нарсани кўлга киргизай» деб вақтини бекорга ўтказмаслиги керак.

Азиз болапарим, қаноатли бўлинг, қаноат инсон учун бахт-саодатдир.

УМИДЛАРИ ДУНЁДАЙ

Агар мендан биринчи муаллим ҳақида сурашса, юрагим ҳапқириб кетади. Дунёдаги энг улуг, энг пок инсон сифатида хотирамга муҳрланиб қолган биринчи муаллимим ҳақида уйлар эканман, уз-уздан тўпроқ чангитиб юрган болалигим ёдимга тушади. Муаллим ҳақида уша йиллардан туриб гапиргим келади.

Ўзидан нур ёғилиб турган Матлуба опа Турдисвани ҳам бундан ўн-ийтирма йиллар кейин худди шундай ҳурмат билан эслашлари табиий. Ушанда мана бу опа-жонларини диққат билан тинглаётган уртоқларингиз болалигини, унга қўшиб биринчи муаллимларини қўмсайдилар. Балки, Матлуба опани излаб боришар, ундан

ҳол-аҳвол сурашар ҳам. Ушанда опанинг қалби қанчалар нурланаркин, уйлаб севи-ниб кетяпман. Опанинг кўзларидан қувонч ёшлари сизиб чиқмасмикин ушанда?!

Бугун эса Тошкент шаҳридаги С. Айний номи 84-мактабнинг жажжи бошланғич синф ўқувчиларига Матлуба опа қалб қурини улашяпти. Биз укишини 4-«Е» синфга янги ўзбек ёзувидан дарс ўтаётганларида топдик. Меҳрибон муаллима бизга Дилноза Исломова, Отабек Ярашев, Азиза Азизова, Беҳзод Маҳкамов, Камолитдин Абдубоев, Нафиса Ортиқова, Даврон Исамуҳамедов каби аълочи ўқувчиларини таништирар экан, уларга умид кўзлари билан термудилар.

Илоҳо, опанинг умидлари эртага юлдуздай порласин. Бу эса Сизга боғлиқ, азиз аълочилар!

Хулкар МУҲИДДИНОВА.

Сураткаш: Х.ТОШМУҲАМЕДОВ.



БАТАН ГЎЗАЛЛИГИ АКС ЭТСИН

Файзулла Мамажонов, сураткашлик тўғраги раҳбари: — Машгулотларни бошлашдан аввал ўқувчиларимга шундай савол бергандим: «Ниманинг суратини олишни яхши кўрасиз?» Шунда улар чугурлаб кетишди. Бири янги қурилатган биноларни, яна бири учиб юрган кабутарларни, яна бошқаси терга ботиб ишлаётган деҳқон бобони суратга олишини гапира бошлашди.

Болалардан бири эса дуога қўл очиб турган оппоқ рўмолли онахоннинг расмини кўрсатар экан, «менинг 105 ёшга кирган момом», деди кўзлари йилтираб.

Мен бу иқтидорли болаларга кириш сузининг ҳожати йўқлигини уша — биринчи машгулот кунидеъ фаҳмладим. Мана, сал кам бир йилдан буён улар ишончимни оқлаб келишяпти. Баъзи шогирдларимнинг ишлари туман, вилоят, республика матбуотида ҳам чоп этилди. Тугаримизнинг «Суратларда Ватан гўзаллиги акс этсин» шиори уларда ярқ этиб кузга ташланади.

УЛАРНИ ЭЛ МАҚТАСИН

Раҳмон Очилов, дурадгор уста, тугарак раҳбари: — Манаман деган уста ҳам хунари эл оғзига тушиб, номи тилларда дoston бўлишини истайди. Дурадгорлиги сирас-

ХУНАР ЎРГАНАСИЗМИ —

МАРҲАМАТ!

«Ёш киноҳаваскорлар», «Моҳир кўллар», «Ёш қаламкашлар», «Бичиш-тикиш», «Миллий каштачилик». Ҳайрон бўлманг, булар Қашқадарё вилояти, Усмон Юсупов туманидаги болалар ва ўсмирлар ижодиёт Марказида муваффақиятли фаолият кўрсатаётган тугаракларнинг номлари. Яқинда биз ушбу Марказда бўлиб, устоз-тарбиячилар билан суҳбатлашиб қайтдик.

Аввал ўрган, кейин ўргат

БИР КУНИ ОИЛА БЕКАСИ БЎЛАДИ

Гулзира Содиқова, моҳир кўллар тўғраги раҳбари: — Тугаримизга аъзо бўлиш учун келган ҳар бир қизалоққа ҳозирданок тадбиркорликни, тежамкорликни кунт билан ўргатишлари лозимлигини ўқтираман. Ахир улар бир кун келиб оила бекаси бўлишади. Енглари ёки ёқалари йиртилиб кетган кўйлақларни қайта таъмирлаш, турли-туман матолар қийқимларидан естиқ жилдлари, чойнак ёпқичлари тикиш, юмшоқ уйинчоқлар ясашни ўргатайпман. Энг қувонарлиси, қизалоқларимиз уз оилаларидаги қўли гул момолар, оналар ва ёш келинчақлардан ўрганган яна бошқа ўзбекона хунарларини бир-бирларига ўргатмоқдалар.

ИГНАЛАР ИЗИ ТИЛЛО

Дилдора Чўлиева, миллий каштачилик тўғраги раҳбари: — Шогирдларим бир-бирлари-

га: «Бизнинг игналар изи тиллодан» деб фахр билан ҳазил қилишади. Ахир улар санчган ҳар бир игна изидан зар шакллар қолдиради-да. Бу ерда шугулланаётган 40 нафар ўқувчи зарлевор, палак, зарчопон сингари миллий либоелар тикишяпти. Айни пайтда Ватан тимсолларини ипакда акс эттириш устида ҳам ишламоқдамиз. Бунинг учун узаро мусобақа ташкил этдик. Қани, кимнинг юрагида она Ўзбекистонимизга нисбатан муҳаббат кучли экан?

Болалар ва ўсмирлар ижодий Маркази раҳбари Шавкат ака Ражабов ҳамкасблари фикрларига қуйидагича хулоса қилди:

— Ушбу масканда 12 та тугарак фаолият курсатмоқда. Радиотехник, ёш электротехниклар, бичиш-тикиш, шахмат-шашка каби тугаракларга Турсунпулат Турақулов, Ҳасан Турақулов, Сабо Ҳаниева, Эломон Қорасевлар раҳбарлик қилишяпти. Олий тоифали муси-

қа ўқитувчиси Нурхон Болтаев бошчилигидаги «Қушиқ ва мусиқа» тугараги аъзолари туманда ўтказилган «Ўзбекистон — Ватаним маним» курик-танловида голиб бўлишди. Вилоят беллашувларида ҳам уларга фахрли уринлар насиб бўлди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, журналист Аҳмад ака Ҳасанов раҳбарлигидаги ёш қаламкашлар тугараги аъзоси Гузал Норчасва эса иқтидорли болаларнинг вилоят курик-танловида 1 уринни олди.

Шавкат ака бизга бу каби жуда кўп нарсалар ҳақида ҳам гапириб бердилар.

Қисқа мақоламизга якун ясар эканмиз, яна шунини айтмоқчимизки, ўқувчиларнинг илму хунари сирларини меҳр билан ўрганиб, ҳар соҳада катта ютуқларга эришяётганликлари жуда қувонарли. Ахир озод Ватан келажиги уларда!

Файзулла ЭШҚУЛОВ,
журналист.

Тог ҳақида гапирсак, куз ун-
гимизда гузал ва мусаффо ҳа-
воли бир манзара пайдо була-
ди. Беихтиёр, чуқур хурсина-
миз. Табиат кучогини жуда-
жуда соғинганимизни ҳис қи-
либ, унга ҳаёлан талпинамиз.
Аммо...

Келинг, яширмасдан айта қолинг. Бундай пайтда сиз орзу қилаётган уша гушада ҳам одамлар яшаганини хаёлингизга келтирганмисиз? Йўқ-да

«ТОҒДАН МАКТУБ КЕЛТИРДИК»

җабатта. Чунки сиз романтик
хаёллардан пастга тушишни
истамайсиз. Бу табиий ҳол.
Агар тоғли қишлоқлар ҳақида
гап кетса-чи? Менимча, ижти
мой шароитлари йўқ, кўп нар
садан орқада қолган, содда ва
табиий тўпори халқ яшайди
ган кўримсиз бир макон таса
ввурингиздан утади. Айниқса,
шаҳарлик болаларда шундай
булиши аниқ. Бироқ, аслида
ҳам шундаймикин? Тасаввур
ларимиз бизни алдамаяптими?
Тоғ халқи тўпори ва соддадил
булишику турган гап. Ахир бу
табиат билан, яшаб турган
жойларининг не чоғли табиий
эканлиги билан боғлиқ. Ле
кин, кўп нарсадан орқада қол
ганлиги ҳам ростми? Ахир не
се буюклар, мутафаккиру
олим, шоиру ёзувчилар айнан
шундай табиат кучоғидан ети
шиб, чиқмаганми? Балки бу
гун ҳам ўша тоғлар ҳавосидан
нафас олиб талантлар улғаяёт

ган, үкиб - үрганаётгандир?

Шу хаяслар билан Қашқадарё вилоятининг тоғли тумани булган Деҳқонободга йул олдиқ. Бу ерда ёшлар бизнинг, туғрироғи, узларининг газеталарини ўқишармикин, деб жудаям қизиқдиқ. Ўзи шу — чақирилмаган жойга бориш, жуда оғир иш-да. Кимга учрашишингни, ишни қасрдан бошлашингни билмай қоласан. Биз ҳам

уйланиб тура-тура, туман халқ таълими бўлимига учрашишни маъқул топдик. Ахир улар қайси мактабда аҳвол қанақалигини яхши билали.

Афсуски, харобгина бинодан
бизга керакли одамларни то-
полмадик. Мудир ҳам, ўринбо-

ХҮҮРОЗҚАНДНИ АҶЗАЛ КЎРГАН БОЛАЛАР

Бошқаларни билмадим
«Тонг юлдузи» менинг энг се-
вимли газетам. Матбуот нашр-
ларига обуна бошланганини
эшитиб, йигиб юрган пулла-
римни олдим-да, алоқа були-
мга ошикдим. Севинчимни
ичимга сигдирилмай, мактаб
дош дустларимга мақтандим.
Уларни ҳам газетага обуна бу-
лишга даъват этдим. Улардан
қандай жавоб олганимни би-
ласизларми? «Газетага обуна
буламиз деб, сақич, листа, ху-
розқандсиз қолайликми?»
дейишди. Уларнинг жавобидан
ранжиб кетдим. «Нахотки,

сар ҳам пахтакор туманларга ёрдам бериш ниятда катта синф укучиларини олиб кетишган экан. Наиллож. Халқимиз бойлиги булган оқ олтинг териб олишга кумаклашиш ҳам хайрли иш. Бу ҳам пахта экилмайдиган тоғларда яшовчи халқнинг кунтилчанлигидандир. Ҳар қолда, бир нарса, бизнинг ишимиз юришмагани аниқ эди. Кадрлар булимига учраб, хизмат сафари гувоҳномамизни муҳрлатиб олгач, кучада ҳайрон турган эдик, ешгина бир йигит биз билан келиб куришди. Бу ерлик эмаслигимизни дарҳол пайқаган-да, суриштириб қолди. Биз ҳам узимизни таништирдик. Шунда кутилмаган воқеа руй берди. У шоша-пиша бизни йулка четига қуйилган утиргичларга таклиф қилди. Илтимос, — деди у, — икки оғиз гапим бор. Шунн ёзиб кета қолинг. Хуллас, мана ўша икки оғиз гап:

«Ҳаммага маълумки, ҳозир
янгиликлар билан яшаш пайти.

билимдан сақич афзал булса?»

Хуросқанд шимиб, сақич чайнашни афзал қурадиган Шерзод Ражабов, Дилдора Исаева, Гулноза Ражабова каби ўқувчиларга, умуман, Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги 255-мактабнинг барча ўқувчиларига мактаб директоринимиз Инобат опа Хужаева «Тонг юлдузи» бегона эмаслигини тушунтириб қўядилар, деб ўмид қиламан.

Шухрат УСМОНОВ,
Тошкент шаҳридаги 255-
мактабнинг 11-синф
ўқувчиси.

Илгаригидай бир қо-
липдаги гапларга тая-
ниб қолиш мумкин
эмас бугун. Айниқса,
уқитувчи энг сўнгги
маълумотлардан, энг
янгй фикрлардан ха-
бардор бўлишни керак. Бунн
эса газета-журналсиз тасаввур
қилиб бўлмайдн. Бундан таш-
қари, «Одобнома» каби фан-
лардан ҳам дарслик йуқ. Уни-
нг урнини ҳам газеталар боса
олади, холос. Афсуски, бизга
нашрлар кеч етиб келяпти.
Баъзида икки-уч ҳафталаб
кутишимизга туғри келади. Ҳат-
то, кўп сонлардан мосуво ҳам
қоламиз. Агар шунинг тагини
суриштириб кўрсаларингиз жу-
даям яхши бўларди.

Мана, сизларнинг газетангизни олайлик. Жуда кўп кузатаман, болаларни янгиликлар билан таништиришда, фаоллиги тиришқоқликка ундашда, фикрлаш қobiliятини ўстиришда, ахлоқий жиҳатдан таъсир қилишда бу газетанинг ўрни беқийс. Менимча, ўзини ҳақиқий тарбиячиман, деб билган ҳар бир ўқитувчи, фарзанд камолотини ўйлаган ҳар бир ота-она бу газетанинг болалар қўлига етиши учун қайғуриши керак. Бизнинг мактабимизда «Тонг юлдузи»га ўқувчиларни обуна қилиш учун тарғибот ишлари олиб бориляпти. Уйлайманки, бу ижобий натижасини беради ва бизнинг мактабимизда ҳам мухлисларингиз сони анча-мунча бўлади. Ота - оналар икки-уч ой олдинги маошларини олмаётганлари ҳам муаммо туғдиряпти-да.

Лекин сизларнинг Тошк

Луқма



нтдан бу ерга сарсон бўлиб келганларингиз мени жуда хурсанд қилди. Сиз шунча жон куйдирыпсиз, нимага энди уз ўқувчиларимиз учун ўзимиз сизчалик ҳам қайғурмаслигимиз керак? Раҳмат сизларга!

Рашид СОАТОВ,
Дехқонобод туманидаги
Р. Ҳоҷиев номи 14-
мактаб илмий бўлим
мудир. «Тарих»,
«Одобнома» фанлари
ўқитувчиси.

Қалай? Ёмон эмасми? Ишқилиб, бу боришимиз— да Деҳқонободдан топиб қайтган бойлигимиз шу бўлди. Аммо тоза ҳавоси учун ҳам ҳали у ерга кўп борамиз. Албатта, худо хохпаса!

РОСТГҮЙ БОЛА

АЛДАГАНИ БОЛА ЯХШИМИ?

Яқинда пойтахт вилоятининг туманларидан бирида кунгилсиз воқеа содир булди. Биз туман номини келтирмаётганимиздан ажабланманг. Бундай воқеа ҳамма ерда ҳам ва ҳар қачон содир булиши мумкин. Қасрда бойлик кетидан қувиб, қилаётган тижорат ишларининг асл моҳиятни англаб етмайдиган тижоратчилар бор экан... Келинг, яхшиси бир бошдан сўзлаб бера қолай.

Маҳалладаги хонадонлардан бирида туй бўлди. Пок ниятли хонадон соҳиби топган-тутганини дастурхонга тукди. Кўндал шундай орзулар билан яшарди. Бирок, орзулари армонга айланди. Хонадон соҳибининг бошига тушган кулфат киши қалбини ларзага солади.

Туй куні хонадоннинг шухшудон фарзандлари мактабдош уртокларини сийламокчи булшди. Ҳозирда урф булган, телевизор орқали реклама қилинаётган «Юпи» порошогидан ичимлик тайёрлаб ичишади. Орадан ҳеч фурсат утмай болалар узларини ёмон ҳис қила бошлайдилар. Аниқланишича, улар заҳарланиб қолишган экан. Хонадон эгасининг икки фарзанди ҳаётдан бевакт куз юмишади. Уларнинг «меҳмонлари» ҳам зудлик билан касалхонага олиб кетилади. Қарабсизки, орзу-ҳаваслар билан бошланган туй азага айланди.

Хуш, болаларга қандай офат ёпишди? Айб «Юпи» порошогидами ё сувадами? Маълум бўлишича, унисида ҳам, бунисида ҳам эмас экан. Заҳри қотил учинчи бир насада экан. Боласи тушмагуллар отаоналари мактабда овқатланиш учун берган пулларига кучадаги атторлардан пақиллатадиган кукун сотиб олишган ва уни шишалардан бирининг ичига беркитишган экан. «Юпи»дан шарбат тайёрлашга берилиб кетиб, ана шу шишанинг ичига ҳам ичимлик қўйиб юборишди. Натижада фожиа рўй берди.

Хуш, айб кимда? Болаларни шуҳ-ликда айблаймизми еки катталар-ни бефарқликда? Бирор масалани-нг ечимини топмоқчи бўлсак, ма-саланинг кузимиш куриб турган бирламчи томонларига эътиборни қаратамиз, холос. Асосий айбдор, масаланинг моҳияти бир чеккада қолиб кетаверадди.

Мақолани уқиб катталар фарзандларини бағрига тортиб, уларни юқоридаги фожиа билан қўқитганлари аниқ. Бундай пақиллайдиган қуқуларни олиб келиб сотаётган тижоратчилардан ранжиймизу, бироқ уларга қарши бирор чора қўриш лоқимлиги ҳақида уйлаб ҳам ўтирмаймиз.

Энг ачинарли томони шундаки, болаларнинг эътиборини тортadиган ана шундай ясама пақилдоғу шақилдоқлар билан тижорат қиладиган кишилар мактаб ва бог-

чалар атрофига «уя қуриб» олишган. Улар болаларни ота-онаси овқатланиш учун берган пулларига ана шундай захри қотилларига олишга ўндайдилар. Ёки булмаса, сифатсиз, турли касалликлар келтириб чиқарадиган, муддати эскирган сақич ва ширинликлар билан савдо қилишади. Кура-била туриб, болаларни алдашади.

Шу кунларда бундай хавфли уйинчоқлар қаторига яна бири — ўқ отувчи туппончалар ҳам қўшилди. Уларнинг шариксимон ўқлари ҳам бор. Айрим ота-оналаримиз эса фарзандларига уз қўллари билан совға қилишади. Бир-бирларини нишонга олиб, ўқ узадилар.

Мунозара учун мавзу

Оқибати ҳақида эса уйлаб ҳам утиришмайди. Узлари огир металллардан, майда тошчалардан «УҚ» ҳам ясаб олишади. Нафакат бир-бирларини, балки автомобиллар, поездларнинг деразаларини ҳам нишонга олишади...

Янги йил байрамига ҳам оз қолди. Болалар бу кунга узларича ҳозирлик кўришяпти: мушакбозлик қилиш учун ҳозирданоқ турли-туман пақилдоқларни ғамлаб кўйишяпти.

— Янги йил байрами яқин-



лашгани сари, юрагимиз безиллаб туради, — дейишади болалар шифокорлари. Чунки ана шу пайдоқлардан жуда кўп болалар шикастланиб, касалхонамизга келтирилади.

Хуш, бундай кунгилезликларга қарши курашиш кимларнинг вазифаси? Фақат тартибни сақлаш органларинингми? Йук, уларга қарши кураш ҳар биримизнинг, маҳалла фаолларининг, ўқитувчи ва тарбиячиларнинг, ота-оналаримизнинг муқаддас бурчлари.

Хурматли тижоратчи амаки ва холажонлар! (Балки биз назарда тутаётган тижоратчилар «хурматли» деган эҳтиромга арзимаслар). Энди сизларга икки оғиз сузимиз бор. Пақилдоғу шақилдоқлар, турли тушпончалар сотиб тушпаётган бойликларингиз қайсидир боланинг саломатлигига зомин бўлаётгани, юз ва кузларида жароҳат излари қолдираётганидан хабарингиз борми? Бундай бойлик ҳалол була оладими? Шулар ҳақида жиддийроқ уйлаб қуришингизни истардик. Алдагани бола яхши эмас! Уларни алдаб, ҳеч ким рушнолик қурмаган. Чунки бола ҳадисларда эзилганидек, Оллоҳнинг неъмاتي, жаннатнинг гулидирлар.

Эркин МАЛИКОВ.



ТИШЛАРИ ЙЎҚ

Бувижоним чўнтагида
Конфет турар.
Ҳар кўрганда эркалатиб,
Менга берар.
Бувижоним оғзида ҳеч
Тишлари йўқ.
Шунинг учун конфет билан
Ишлари йўқ.
ОЙ — МЕХМОН
Раъно чизган расмини
Опасига кўрсатар.
Опаси-чи расмдан



МЕТАГРАММАЛАР

1
Ўн икки ойнинг бири,
Чолғу асбобнинг тури.
2
Ўзи асло емайди,
Барчани у тўйдириб.
Бир униси ўзгарса,
Таралар оҳанг бўлиб.
3
Усталарга керакман,
Зарбим кучли асбобман.
Ўзгарса гар бир ҳарфим,
Тигли қурол бўламан.
4
Турфа рангда товланиб,
Самога берар чирой.
Тинмай қанотин қоқиб,
Гул юзидан олар жой.

ЛОГОГРИФ

Ёмғир-қордан асрайман,
Менсиз иморат бўлмас.
Кўшсанг гар бир унли
ҳарф,
Шунда ғойиб бўламан,
Заррабин ҳам кўрсатмас.

ШАРАДА

Лавлагидир онаси,
Ширинлиқнинг асили.
Ранго -ранг товланади,
Каштадўзлик маҳсули,
Жамлагин иккисини
Қовунигиндир сарҳили.

Кўз узмасдан шўх кулар:

— Чизган расминг яхши-ю
Бўлмоқдаман лек ҳайрон.
Куёш ва ой бир жойда,
Турмайди-ку ҳеч қачон?!
— Гапингиз-ку, тўғри-я,
Рад этмайман опагон.
Бироқ ой-чи, меҳмонда,
Шунчун улар ёнма-ён.

ТУРГУННИНГ САВОЛИ

Уч-тўрт яшар Расулжон,
Ўйнамоққа отланди.
Дўстини кўриб шу он,
Роса унга мақтанди:
— Кеча дадам бозордан,
Олиб келди уч товуқ,
Борсанг ҳали кўрасан,
Гўё дейсан тус товуқ.
Турғунжоннинг хаёли
Ҳар ён учар, кўзи лўқ.
Сўрар ундан ниҳоят:
— Жони борми ёки йўқ?
СОВУҚНИНГ ҚЎЛИ БОРМИ?
Дилфузага ойнис,
Қайта-қайта уқтирар:


Кувноқ шеърлар

— Қиш, кунидир, кўп юрма,
Юз-қўлинг совуқ урар.
— Ия, — дер жажжи қизи,
Ҳовлимиз тўла қорми?
Ҳали ҳеч кўрмагандим,
Совуқнинг қўли борми?
Парво қилманг, ойижон,
Бир иложин топаман.
Кўрсам совуқнинг қўлин,
Дарров уйга чопаман.
Улуғбек ОТАМУРДОВ,
Жиззах вилояти,
Галлаорол тумани,
Кипчоқсулув давлат
хўжалигидаги 39-мактаб
ўқувчиси.



Жавобларингизни текширинг

Газетамизнинг 87 - сониди эълон қилинган «Энг» чайнвор-
дининг жавоби: 1. Арабистон. 2. Ниагара. 3. Аллома. 4.
Антарктида. 5 Арча. 6. «Авесто». 7. Олимпиада. 8. Андорра.
9. Анакама. 10. Амазака. 11. Афина. 12. Атлас. 13. Саратон.
14. Нон. 15. Нок. 16. Колорадо. 17. Оймакон. 18. «Навруз-
нома». 19. Арктика. 20. Алла.



Қишоб муаммонаси

Туркистон — умумий уйимиз

Ўзбек ва туркман халқларининг дўстлиги ва қардошли-
ги илдиэлари жуда қадимийдир. Чиндан ҳам, Президенти-
миз Ислам Каримов таъкидлаганидек, Алишер Навоий
шеърини кириб бормаган туркман хонадони, Махтумқули
ашъори эъозланиб тилга олинмайдиган ўзбек оиласини
топиб бўлмайди. Бу улуг мутафаккирлар меъроси асрлар
оша ўзбек ва туркман халқларининг маънавий оламини
безаб яшайверади.

Махтумқули

СЎЗЛАР ТИЛИ ТУРКМАННИНГ

Жайхун билан баҳри Хазар ораси
Чўл устидан эсар ели туркманнинг.
Гул-гунчаси кўзларимнинг қораси,
Қоратогдан тушар сели туркманнинг.

Ҳақ сайламыш, бордир унинг сояси,
Ёйлар чўлида юри, мояси,
Ранг-баранг гул очар яшил яйласи
Ғарқ бўлмиш райҳонга чўли туркманнинг.

Олу яшил бўлиб чиқар париси,
Димоқларга урар анбарнинг иси,
Бек, тўра, оқсоқол, юртнинг эгаси,
Қишлоқлари гўзал эли туркманнинг.

У марднинг ўлидир, марддир отаси,
Гўрўғли қардоши, сархуш калласи,
Тоғда, қирда қувса овчи галаси —
Тута олмас, йўлбарс ўғли туркманнинг.

Кўнгиллар, юраклар — бир бўлиб бошлар,
Тўпланса эрийди тупроқлар, тошлар,
Бир супрада тайёр қилинса ошлар,
Баланд бўлар бахт-иқболи туркманнинг.

Ғофил қолмас, саваш кунни хор бўлмас,
Қарғишгаю зорга гирифтор бўлмас,
Булбулидан айрилиб, сўлиб, зор қолмас,
Доим анбар сочар гули туркманнинг.

Завқи тўлиб чиқар, бағри доғланмас,
Тошларни синдирар йўли боғланмас,
Кўзим ғайирга тушмас, кўнгли тош қотмас,
Махтумқули, сўзлар тили, туркманнинг.

Бўш вақтларда

Аввал куйида таърифланиб,
рақамларда ифодаланган суз-
ларни топиб, очқиқни ҳал этинг.

1. XI аср туркиғуи донишманд шоири Юсуф Хос Ҳожиб-
нинг «Қутадғу билиг» фалсафий-таълимий достони қаҳра-
мони - 9, 13, 14, 13, 12, 7, 3.

Алишер Навоийнинг «Лисонут-тайр» («Қуш тили») досто-
ни қаҳрамони — 15, 13, 7, 15, 13, 7.

Абдулла Ориповнинг она диёримизни мадҳ этувчи шеър-
ларидан бири — 4, 2, 8, 2, 14.

4. «Алпомиш» — ўзбек халқ қаҳрамонлиқ достонидаги
вафодор қиз — 5, 2, 6, 11, 3, 14.

5. Китобнинг дастлабки, бошланиш қисми — 10, 13, 1,
2, 7, 7, 3, 10, 2.

Энди шаклдаги рақамларни жавоб сузларидаги тааллуқ-
ли ҳарфлар билан алмаштириб муаммонгани ечинг. Бунда
мумтоз, мутафаккир шоир Абдурахмон Жомийнинг икки
мисра ҳикматли сузлари аён бўлади.

Тузувчи: Ф. ОРИПОВ.

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚЎМИТАСИ

Бош

муҳаррир

Умида

АБДУАЗИМОВА

Тахрир хайъати:

Наримон ОРИФЖОНОВ,
Омон МАТЖОН,
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,
Марат ШАФИЕВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА.

ИВМ компьютерида теришди ва
саҳифаланди. Офсет усулида
босилди. Ҳажми 1 босма табоқ
Буюртма — Г -0642.
7691 нусхадда босилди.
Қоғоз бичими — А-3.
Босишга топшириш вақти 19.00
Топширилди — 18.30

• Рўйхатдан ўтиш тартиби
№ 000137
• Манзилимиз: 700083,
Тошкент шаҳри,
• Матбуотчилар кучаси,
32-уй.
• Нашр кўрсаткичи: № 64563
• Телефон:
• 33-44-25